

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ФАН ДОКТОРИ ИЛМИЙ ДАРАЖАСИНИ БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Ped.26.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ

РИСКУЛОВА КАМОЛА ДЖУММАЕВНА

**БЎЛАЖАК ИНГЛИЗ ТИЛИ ЎҚИТУВЧИЛАРИ
СОЦИОЛИНГВИСТИК КОМПЕТЕНТЛИГИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ
ТИЗИМИ**

13.00.01 – Педагогика назарияси ва тарихи. Таълимда менежмент

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАН ДОКТОРИ (DSC)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2017

Докторлик (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата докторской диссертации

Content of the abstract of doctoral dissertation

Рискулова Камола Джуммаевна

Бўлажак инглиз тили ўқитувчилари социолингвистик
компетентлигини шакллантириш тизими.....3

Рискулова Камола Джуммаевна

Система формирования социолингвистической компетенции
будущих учителей английского языка.....29

Riskulova Kamola Djummaevna

The system of forming sociolinguistic competence
of future English language teachers.....58

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of publications..... 64

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ФАН ДОКТОРИ ИЛМИЙ ДАРАЖАСИНИ БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Ped.26.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ

РИСКУЛОВА КАМОЛА ДЖУММАЕВНА

**БЎЛАЖАК ИНГЛИЗ ТИЛИ ЎҚИТУВЧИЛАРИ
СОЦИОЛИНГВИСТИК КОМПЕТЕНТЛИГИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ
ТИЗИМИ**

13.00.01 – Педагогика назарияси ва тарихи. Таълимда менежмент

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАН ДОКТОРИ (DSC)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2017

Педагогика фанлари бўйича фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.1.DSc/Ped10 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) веб-саҳифанинг www.tdpu.uz ҳамда “ZiyoNET” ахборот-таълим портали www.ziyounet.uz манзилларига жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи: **Боқиева Гуландон Ҳисамовна**
филология фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар: **Мардонов Шукрулла Мардонович**
педагогика фанлари доктори, профессор

Муслимов Нарзулла Алиханович
педагогика фанлари доктори, профессор

Хошимова Дильдархан Уринбаевна
педагогика фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот: **Ўзбекистон Миллий Университети**

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат педагогика университети ҳузуридаги DSc.27.06.2017.PED.26.01 рақамли илмий кенгашнинг 2017 йил “___” _____ соат ___ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100011, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Бунёдкор кўчаси, 27-уй. Тел.: (99871) 276-79-11; факс: (99871) 276-80-86; e-mail: tdpu_kengash@edu.uz.)

Диссертация билан Тошкент давлат педагогика университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100011, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Бунёдкор кўчаси, 27-уй. Тел.(99871) 276-79-11; факс: (99871) 276-80-86; e-mail: tdpu_kengash@edu.uz.

Диссертация автореферати 2017 йил “___” _____ да тарқатилди.
(2017 йил _____ даги ___ - рақамли реестр баённомаси).

Ш.С.Шарипов

Фан доктори илмий даражасини берувчи
Илмий кенгаш раиси, п.ф.д.,проф.

Р.Г.Исянов

Фан доктори илмий даражасини берувчи
Илмий кенгаш илмий котиби, п.ф.н.,доцент

Д.Д.Шарипова

Фан доктори илмий даражасини берувчи
Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси,
п.ф.д.,проф.

КИРИШ (фан доктори (DSc) докторлик диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг “XXI асрнинг Олий таълими” Бутунжаҳон декларацияси (1998 й.), ЮНЕСКО нинг “Олий таълимни ислоҳ қилиш ва ривожлантириш” дастурий ҳужжати (1995 й.), Европа олий таълим муассасалари сифатини бир хиллигини таъминлаш мақсадида қабул қилинган Болонья декларацияси дунё миқёсида таълим сифатини оширишда муҳим ўрин эгалламоқда. Мазкур ҳужжатларга биноан бўлажак чет тиллари мутахассисларини тайёрлашда CEFR (Common European Framework of Reference for Language) малака талаблари асосида олий таълим мазмуни ва сифатини халқаро даражага кўтариш, модулли таълимни ташкил этиш, замонавий педагогик ва ахборот–коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда ўқитишнинг илғор услубларини жорий этиш йўли билан бўлажак ўқитувчилар компетентлигини такомиллаштириш муҳим аҳамият касб этмоқда¹.

Мустақиллик йилларида замонавий талаблар асосида таълим сифатини ошириш, жумладан, чет тиллари ўқитувчиларини тайёрлаш тизимини халқаро малака талаблар асосида ташкил этиш каби ишларга алоҳида эътибор қаратилди. Таълим соҳасида амалга оширилган кенг қамровли ислохотлар натижасида, жумладан, бўлажак чет тиллари ўқитувчиларини тайёрлашнинг илғор хорижий тажрибаларга асосланган миллий тизими яратилди. Шулар билан бир қаторда чет тиллари ўқитувчиларини тайёрлаш сифатини оширишда коммуникатив компетенцияларни шакллантиришга оид ёндашувларни жадаллаштириш зарурати кўзга ташланмоқда. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида “юксак билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш, олий таълим муассасаларида компетентли илмий педагогик кадрлар заҳирасини яратиш”² каби вазифалар белгиланиб, бу борада бугунги кунда бўлажак инглиз тили ўқитувчиларида ижтимоий коммуникативликни фаоллаштириш, ижтимоий лингвистик тайёргарлигини ошириш муҳим аҳамият касб этади.

Жаҳонда ижтимоий, иқтисодий ва маънавий соҳаларда интеграллашув ҳамда глобаллашув жараёни жадал кечаётган бир даврда халқаро малака талабларига мос рақобатбардош педагог кадрлар тайёрлаш мазмуни ва илмий-методик базасини мустаҳкамлаш, инновацион таълим технологияларидан фойдаланиш йўналишидаги тадқиқотларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу нуқтаи назардан бўлажак инглиз тили ўқитувчиларида ижтимоий коммуникативликни фаоллаштириш, ижтимоий

¹Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг “XXI асрнинг Олий таълими” Бутунжаҳон декларацияси (1998 й.), ЮНЕСКО нинг “Олий таълимни ислоҳ қилиш ва ривожлантириш” дастурий ҳужжати (1995 й.), CEFR. Learning, teaching, assessment. Language Policy Unit, Strasbourg. www.coe/lang-CEFR

² “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар Стратегияси тўғрисида” 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли фармони.

лингвистик тайёргарлигини ошириш, инглиз тили ўқитувчиси профессиограммасини аниқлаш муҳим илмий-амалий аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 10 декабрдаги “Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-1875-сонли, 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш тўғрисида”ги ПҚ-2909-сонли, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 27 майдаги “2013-2016 йилларда таълим муассасаларининг чет тиллари кабинетларини замонавий ахборот-коммуникация, ўқитишнинг техник воситалари ва анжомлари билан жиҳозлаш (қўшимча жиҳозлаш)ни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 143-сонли қарорлари ҳамда 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947 сонли Фармонида белгиланган вазифаларни амалга оширишда диссертация муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг 1. “Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий ривожлантириш” йўналиши доирасида бажарилган.

Диссертациянинг мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи. Бўлажак чет тиллари ўқитувчилари тайёрлаш мазмунини такомиллаштириш бўйича тадқиқотлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан, the English language center (Англия); Oxford University (Англия); Monterey Institute (АҚШ), Yale University (АҚШ), Sogang University (Шарқий Корея); The Mainz Johannes Gutenberg Universite (Германия); The University Of Eastern Finland (Финляндия), Москва давлат педагогика университети (Россия)³да олиб борилмоқда.

Бўлажак чет тиллари ўқитувчиларининг социолингвистик компетентлигини ривожлантиришга оид жаҳонда олиб борилган тадқиқотлар натижасида бир қатор, жумладан қуйидаги илмий натижалар олинган: енгиллаштирувчи тил муҳити орқали ривожлантирувчи ўйин воситасида бўлажак ўқитувчиларнинг нутқи ва лингвистик малакаларини яхлит шакллантириш самарадорлиги таъминланган (the English language center); чет тилини ўрганишда нафақат мазкур тилда сўзлашувчилар маданиятини, балки ушбу маданиятнинг таълимий мақсадини дунёни мантиқий англашга йўналтиришдек англоцентристик ёндошув ишлаб чиқилган (Oxford

³ Малев А.В. Непрерывная лингводидактическая подготовка преподавателя английского языка.: Дисс. канд. пед. наук. – Нижний Новгород., 2015. – С.34. Lane H. Construction of Deafness/Deafness: 1993 — 2013 / A Deaf American Monograph. — 2013. — Vol. 43. Кудайбергенова Р.Е. Высшее образование в Южной Кореи. // Вестник. КазНПУ им. Абая. серия Специальная педагогика. - № 4. 2009. - С.7-16; Н.Ф.Радионова, М.В.Кропачева. Зарубежный опыт профессиональной подготовки педагогов к раннему обучению детей иностранным языкам // ЧЕЛОВЕК И ОБРАЗОВАНИЕ. - №1. – Санкт-Петербург., 2015. - С.151.; Е.Г.Речицкой. Психолого-Педагогическое Сопровождение в системе высшего образования. – М., 2013 – С.15-23.

University); бимаданиятшунослик ёндошуви асосида компетенцияни шакллантириш мазмуни такомиллаштирилган (Monterey Institute); таълимни ташкил этишнинг инновацион интернет-лойиҳа, вебквестлар (webquests), электрон кундаликлар (blogs), электрон портфеллар (e-portfolio) подкаст (podcasts) ва бошқа технологиялари ишлаб чиқилган (Yale University); бўлажак инглиз тили ўқитувчиларига чуқур билим беришда тил тузилиши, мимика, расм, театр, кино, реклама, рассомлик, архитектура, мусика, опера, балет ва бошқаларни ўз ичига олувчи дискурс-таҳлил стратегиясини ишлаб чиқилган (The Mainz Johannes Gutenberg University); чет тиллари ўқитувчиларини тайёрлаш амалиётида ўзга маданиятларнинг хусусиятлари, уларга оид ахборотларни интерпретация қилаолиш, шахснинг сифатлари (эмпатия, толерантлик) ҳақида билимлар мужассам бўлган кросс-маданий ёндошув ишлаб чиқилган (Sogang University); чет тиллари ўқитувчиларининг коммуникатив компетенциясини шакллантиришга мазмунан йўналтирилган “double qualification”-“икки ёқлама квалификация” дастури яратилган (The University Of Eastern Finland); ўзида аксиологик билимга эга фаолиятни лойиҳалаштиришни ифодалаган, касбий-педагогик фаолият кирраларини намоён этадиган контекстли ёндошувдан кенг фойдаланиш компетентли ўқитувчи кадрлар тайёрлаш тизими ишлаб чиқилган (Москва давлат педагогика университети).

Дунёда бўлажак чет тиллари ўқитувчиларининг компетентлигини такомиллаштириш бўйича куйидаги устувор йўналишдаги тадқиқотлар олиб борилмоқда: халқаро Умумевропа CEFR стандартлари талаблари асосида компетентли чет тиллари ўқитувчилари тайёрлашнинг педагогик механизмини такомиллаштириш; бўлажак чет тиллари ўқитувчиларининг социолингвистик компетентлигини ривожлантиришнинг инновацион технологияларини ишлаб чиқиш; аудитория ва аудиториядан ташқари мустақил таълимни ташкил этиш жараёнини лойиҳалаштириш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Бўлажак ўқитувчиларни тайёрлашнинг педагогик муаммолари Ш.Р.Ахлиддинов, У.Ш.Бегимкулов, Р.Ҳ.Жўраев, Ж.Ф.Йўлдошев, Н.Ж.Исакулова, З.К.Исмоилова, Р.Г.Исянов, Ш.С.Шарипов, Н.А.Муслимов, М.Б.Уразова, Э.Р.Юзликаева⁴лар томонидан тадқиқ этилган.

⁴ Ахлиддинов Р.Ш. Умумий ўрта таълим сифатини бошқаришнинг ижтимоий-педагогик асослари (Кадрлар тайёрлаш миллий дастури асосида). Пед.фан.док. ...дисс. –Т., 2002. -338 б.; Бегимкулов У.Ш. Педагогик таълим жараёнларини ахборотлаштиришни ташкил этиш ва бошқариш назарияси ва амалиёти. Пед.фан.док. ... дисс.-Т., 2007. -305 б.; Джўраев Р.Х. Таълимда интерфаол технологиялар. –Т., 2010. –87 б.; Йўлдошев Ж.Ф., Усмонов С.А. Педагогик технология асослари.-Т., 2004. -104 б.; Исакулова Н.Ж. Касб таълими методикаси: ўқув қўлланма.-Т., 2014. –200 б.; Исмаилова З.К. Маънавий-ахлоқий тарбиянинг назарий ва экспериментал-методик асослари. Пед.фан. док. ...дисс.– Т., 2006. -45б.; Исянов Р.Г. ва б. Олий таълим муассасалари ўқитувчиларининг малакасини ошириш технологиялари. Монография. –Т., 2011. -72 б.; Шарипов Ш.С. Талабалар ихтирочилик ижодкорлигини шакллантиришнинг педагогик шарт-шароитлари (мехнат ва касб таълими факультетлари мисолида): Пед.фан.ном...дисс.–Т., 2000. -205б, Муслимов Н. “Тингловчиларнинг касбий-педагогик компетенцияларини ривожлантириш муаммолари”. Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш жараёнларини такомиллаштириш мазмуни ва илғор хорижий тажрибалар. Халқаро илмий анжуман материаллари. 14-15 октябрь, -Т., 2016. –Б.10-12.; Уразова М.Б. Бўлажак касбий таълим педагогини лойиҳалаш фаолиятига тайёрлаш технологиясини такомиллаштириш. Пед.фан.док. ...дисс. автореф. –Т., 2015. –Б 10-21.; Юзликаева

Методист олимлардан А.Абдуазизов, Л.ТАҳмедова, Г.Бакиева, Ж.Жалолов, Г.Маҳкамова, А.Саттаров, У.Х.Хошимов, Д.Хошимова⁵ кабилар томонидан муаммонинг дидактик жаҳатлари ўрганилган.

Инглиз тили ўқитувчилари касбий компетентлигининг яхлит-мазмунли, ижтимоий-маданий, ўқув-билиш, ахборот олиш, коммуникатив, ижтимоий-фаолиятли ва амалий фаолиятли; концептуал, инструментал, кадриятли-этник, интегратив, контекстуал, мослашувчанлик жиҳатларни мустақил давлатлар ҳамдўстлиги олимлари Р.С.Арефьев, Н.И.Аршинова, С.А.Баландин, С.Н.Белаконь, Л.А.Борходоев, Т.И.Густомясова, И.А.Зимняя, О.Ю.Пестрецова, М.В.Селиверстова, Н.А.Сухова, О.И.Халупо, Е.И.Шеваршинова⁶ ва бошқалар томонидан тадқиқ этилган.

Бўлажак инглиз тили ўқитувчилари социолингвистик компетенциясини шакллантиришнинг баъзи жиҳатлари Н.А.Беленюк, В.И.Беликов, Н.Ж.Дагбаева, С.Р.Дортман, В.И.Захарова, Л.Ф.Зуева, Л.П.Крысин, Е.С.Нечаева, Д.Ф.Нурмухамедова, М.Ф.Овчинникова, Л.П.Павлова, А.А.Таджибаева, Ф.Б.Хубиева, Ф.И.Шарков, А.Д.Швейцерлар⁷ ва бошқалар илмий изланишлар олиб боришган.

Э.Р. Теория и практика подготовки учителя к диагностической деятельности: Дис... док. пед. наук. – Т., 2012. –284 с.

⁵ Абдуазизов ва бош. Инглиз тили амалий фонетикаси. –Т., 1992..бет.; Ахмедова Л.Т. Теория и практика обучения профессиональной русской речи студентов-филологов (на материале художественных текстов): Дисс....пед.наук. –Т., 2012.-320с.; Бакиева Г.Х. Преодоление звуковой интерференции при обучении русскому произношению студентов-узбеков (на материале консанантизма): Автореф. дисс....канд.пед.наук. –Т.,1987. – 21 с.; Жалолов Ж.Ж. Чет тил ўқитиш методикаси. –Т., 2012.- 432б.; Махкамова Г. Концепция формирования межкультурной компетенции студентов факультетов английского языка. – Т., 2010. -208 с.; Саттаров Т.К. Ўқитувчилик бўйича амалий машғулотларда бўлажак чет тили муаллимининг социолингвистик малакаларини шакллантириш (инглиз тили материалида): Пед.фан.док...дисс.–Т., 2000. –373 б.; Хошимов Ў ва бошқ. Инглиз тили ўқитиш методикаси. –Т., .2003. -210б.; Хошимова Д.У. Лингводидактические основы изучения лагун в контексте современного функционирования русского языка и межкультурных взаимодействий.: Дисс....док.пед.наук.-Т., 2007.-350с.

⁶ Арефьев Р.С. Формирование готовности к самопроектированию коммуникативной компетентности у студентов педагогического вуза.:Дис. ... канд. пед. наук. - С, 2004. - 190с.; Аршинова Н.И. Формирование иноязычной компетенции студентов вуза с применением средств компьютерных технологии. Монография.— Петропавловск-Камчатский., 2012. —226 с.; Баландин С.А. Развитие организационно-педагогической компетентности менеджера образования впроцессе управленческой деятельности в профессиональном учебном заведении: Дис. ... канд. пед. наук. -Челябинск, 2004. -151с.; Белоконь С.Н. Формирование ключевых компетенций руководителя в процессе обучения по специальности менеджер образования: Дис. ... канд. пед. наук. -Ставрополь, 2006. -172с.; Борходоев Л.А. Прагматический текст как средство формирования социокультурной компетенции студентов языкового вуза. Дисс. ... канд.пед.наук. - Улан-Удэ., 2002. -211с.; Густомясова Т.И. Методика формирования социолингвистической компетенции студентов на материале E-mail-проектов: неязыковой вуз, английский язык: Дис. ... канд. пед.наук. – Волгоград., 2010. -217с.; Зимняя И.А. Педагогическая психология. -М., 2007. -384с.; Пестрецова О.Ю. Использование технологии «веб-квест» на уроках иностранного языка. –Электросталь., 2011. –С.284-287.; Селиверстова М. В. Формирование управленческих компетенций учителя в условиях развития современного образования: Дис. ... канд. пед.наук.-Ижевск, 2011. –212с.; Сухова Н.А. Формирование культурно-страноведческой компетенции на основе аутентичных материалов в процессе обучения устной речи студентов педагогического вуза: Второй курс, немецкий язык: Дис....канд.пед.наук. -Санкт-Петербург., 2002. -244с.; Халупо О.И. Формирование коммуникативной культуры у студентов технического вуза при изучении иностранных языков. Дис. ... канд.пед.наук. -Челябинск, 2002. - 144 с. Шеваршинова, Е.И. Применение медиатекстов медиатекстов с целью взаимосвязанного обучения иностранному языку и межкультурному общению студентов языковых факультетов. –М., 2015. -с. 175-181.

⁷ Беленюк Н.А. Формирование социолингвистической компетенции студентов младших курсов технического вуза в процессе обучения устному общению: английский язык, базовый курс: Дис. ... канд. пед. наук. - Томск, 2007. - 170 с.; Беликов В.И, Крысин Л.П. Социолингвистика: Учебник для вузов. М., 2001. -8с.; Дагбаева Н.Ж. Овчинникова М.Ф. Принципы формирования социолингвистической компетенции на начальном этапе

Психолог олимлардан А.А.Бодалев Н.В.Гришина, Ю.Н.Емельянов, Ю.Ф.Майсурадде⁸ кабилар томонидан муаммонинг психологик жаҳатлари ўрганилган.

Бўлажак чет тиллари ўқитувчиларининг компетентлигини шакллантириш муаммоси билан боғлиқликда турли соҳа олимлари томонидан илмий изланишлар олиб борилган бўлсада бироқ глобаллашув шароити талаблари асосида халқаро таълим стандартларига мос равишда бўлажак инглиз тили ўқитувчиларининг социолингвистик компетентлигини шакллантириш тизимини такомиллаштириш масаласи махсус тадқиқ этилмаган.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Ушбу тадқиқот Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитасининг “ИТД-4. Жамиятни маънавий ахлоқий ва маданий ривожлантириш, маънавий кадриятлар, миллий ғоя, маданий мерос, ўзбек халқи ва давлатчилик тарихини ҳамда таълимни узвийлик ва узлуксизлигини, баркамол авлод тарбиясини тадқиқ этиш” Дастури доирасидаги (ИТД-1, А-1-219, 2015-2017) “Таълим тизимида хорижий тил (инглиз) йўналишидаги олий таълим муассасаларида умумевропа компетенциялари (CEFR) бўйича С1 даражасини эгаллашни таъминлайдиган ўқув-услубий мажмуа яратиш”, (ИТД-1.ИОТ-2013-1-50. 2013-2014) “Хорижий филология магистрлари учун назарий ва амалий асосий чет (инглиз, француз, немис ва испан) тили бўйича яратилган ўқув-услубий қўлланмаларни такомиллаштириш, нашрга тайёрлаш ва чоп этиш” мавзулари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади бўлажак инглиз тили ўқитувчилари социолингвистик компетентлигини шакллантириш тизимини такомиллаштиришдан иборат.

Белгиланган мақсадга мувофиқ қуйидаги **тадқиқот вазифалари** ҳал қилинди:

“компетентлик”, “социолингвистик компетентлик” каби тушунчаларнинг мазмун ва моҳиятини муаллифлик ёндошуви асосида илмий-педагогик жиҳатдан асослаш, “Бўлажак инглиз тили ўқитувчилари социолингвистик компетенцияси” типологиясини аниқлаш;

языкового вуза// Вектор науки ТГУ №1(8). 2012. –С.103-105.; Дортман С.Р. «Обучение лингвокультурологической компетенции учащихся средних профессиональных образовательных учреждений (на материале немецкоязычных медиатекстов)»: Дисс. ...канд.пед.наук.-Пятигорск, 2012г. -с.; Л.Ф.Зуева. Формирование социолингвистической компетенции студентов вузов физической культуры. Дисс...канд.пед.наук. -Малаховка.: 2002. -186с.; Крысин Л.П. Современный русский язык. Лексическая семантика. Лексикология. Фразеология. Лексикография. -М., 2007. —240с.; Нечаева Е.С. Методика формирования социолингвистической компетенции студентов языковых факультетов педагогических вузов на основе социофонетического компонента. Дисс....канд.пед.наук. –М., 2010. -216с.; Швейцер А.Д. Современная социолингвистика. Теория, проблемы, методы. -М., 1977. -с

⁸Бодалев А.А. Психология общения. Энциклопедический словарь.—М., 2011. —228 с.; Гришина Н.В. Психология конфликта. Хрестоматия. –СП., 2009. –538с.; Емельянов Ю.Н. Теория формирования и практика совершенствования коммуникативной компетентности: Дис...докт.псих.наук. -Л., 1990. – 403 с.; Майсурадде М.Ю. Энциклопедия книжного дела. –М., 1998. - 528 с.

бўлажак инглиз тили ўқитувчилари социолингвистик компетентлигини шакллантиришнинг инновацион технологияларини аниқлаш, “Бўлажак инглиз тили ўқитувчиларининг социолингвистик компетенциясини шакллантириш” андозасини яратиш;

мустақил таълим жараёнида бўлажак инглиз тили ўқитувчиларининг социолингвистик компетентлигини шакллантиришнинг дидактик шарт-шароитларини такомиллаштириш;

талаба касбий компетентлиги сифат шкаласи дастури, бўлажак инглиз тили ўқитувчиси портфолиоси, “Замонавий социолингвистика” тугараги, инглиз тили ўқитувчилари профессиограммасини (касбий портрети) яратиш, социолингвистик компетентлигини шакллантириш даражасини белгиловчи индикаторларни аниқлаш;

олий таълим муассасасалари (ОТМ) инглиз тили ўқитувчилари, раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизими мазмунини Британия Кенгаши тажрибалари асосида такомиллаштириш.

Тадқиқотнинг объекти бўлажак инглиз тили ўқитувчилари социолингвистик компетентлигини шакллантириш жараёни.

Тадқиқотнинг предмети бўлажак инглиз тили ўқитувчилари социолингвистик компетентлигини шакллантириш тизими, шакл, методлари ва воситалари.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида сиёсий, фалсафий, тарихий, тилшунослик, педагогик, психологик, ҳуқуқшунослик ва инглиз тили методикасига оид, маданиятга оид илмий-методик адабиётларни қиёсий-танқидий ўрганиш; таҳлил қилиш; педагогик кузатув; социометрик (суҳбат, анкета, тест, интервью); тажриба-синов; мониторинг; шкалалаш; математик-статистик таҳлил; натижаларни умумлаштириш усулларидан фойдаланилади.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

“компетентлик”, “социолингвистик компетентлик” каби тушунчаларнинг мазмун ва моҳияти муаллифлик ёндошуви асосида илмий-педагогик жиҳатдан асосланган ҳамда инглиз тилини ўргатишдаги ижтимоий коммуникатив жараёни фаоллаштириш асосида “Бўлажак инглиз тили ўқитувчилари социолингвистик компетенцияси” типологияси аниқланган;

бўлажак инглиз тили ўқитувчиларини тайёрлашда чет тилларини ўрганиш тамойилларига мувофиқ ижтимоий коммуникатив компетенцияни шакллантириш имконияти катта инновацион педагогик технологиялар аниқланган;

давлат таълим стандартлари ва умумевропа (CEFR) талаблари асосида бўлажак инглиз тили ўқитувчиларининг мустақил таълим жараёнида социолингвистик компетентлигини шакллантиришнинг лингводидактик таркиби аниқлаштирилган;

бўлажак инглиз тили ўқитувчилари ҳамда олий таълим муассасалари инглиз тили ўқитувчиларининг социолингвистик компетентлик даражасини белгиловчи индикаторлар, бўлажак инглиз тили ўқитувчиси портфолиоси ҳамда инглиз тили ўқитувчиси профессиограммаси (касбий қиёфаси) ишлаб чиқилган;

олий таълим муассасалари инглиз тили ўқитувчилари, раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш ўқув мазмунини шакллантириш технологияси халқаро Британия Кенгаши тажрибалари ҳамда касбий фаолият мониторинги асосида такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари:

Бўлажак инглиз тили ўқитувчиларининг компетентлик даражаси, уларнинг ижтимоий лингвистик тайёргарлигини оширишга хизмат қиладиган “Бўлажак инглиз тили ўқитувчиларининг социолингвистик компетенциясини шакллантириш” андозаси ҳамда “Талаба касбий компетентлиги сифат шкаласи дастури” яратилган;

ОТМ бакалавр йўналиши бўйича инглиз тили ўқитувчилари тайёрлашда ўқитиладиган “Мамлакатшунослик”, “Хорижий тилни ўқитишда маданиятлараро мулоқотни шакллантириш” ўқув модулларининг ишчи ўқув дастурлари ҳамда ўқув-методик мажмуаларини яратилган;

“Олий таълим муассасалари бошқарув кадрлари захирасини мақсадли ўқитиш”, “Олий таълим сифатини таъминлашда ахборот-коммуникация технологиялар”, “Инновацион таълим технологиялари ва педагогик компетентлик” йўналишларидаги ўқув курсларининг ўқув модуллари таркиби такомиллаштирилган;

ёшларнинг қизиқишларидан келиб чиқиб, дипломатик этикет, ижтимоий тармоқлар ва улардан тўғри фойдаланиш, ўз имкониятини баҳоловчи психологик машғулотлар, деструктив ташкилотлар ва уларнинг таъсиридан сақланиш, Team building жамоа билан ишлаш технологияси, PR (public relation)дан унумли фойдаланиш, давомли ва сифатли карьера сирлари каби мавзуларда маҳорат дарслари ташкил этилди.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги унда асосланган ижтимоий-назарий ғояларга ёндошувларнинг расмий манбалардан олинганлиги, тажриба-синов ишлари натижаси самарадорлигининг математик-статистик асосланганлиги, ишлаб чиқилган дидактик материаллар, хулоса ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилганлиги, уларнинг натижаси сифат ва самарадорлиги ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқотнинг илмий аҳамияти шундан иборатки, олинган натижалар бўлажак инглиз тили ўқитувчиларининг социолингвистик компетенциясини шакллантириш имкониятлари катта мутахассислик фанлари ҳамда ОТМ инглиз тили ўқитувчилари, раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш мазмунини халқаро илғор тажрибалар асосида назарий жиҳатдан бойитишда қўлланилди.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти унда олға сурилган илмий-назарий хулоса ва тавсиялар ОТМда филология ва тилларни ўқитиш (инглиз тили) йўналиши бўйича бакалавр ўқитувчи кадрлар тайёрлашга доир Давлат таълим стандартларига киритилиши; “Тил кўникмалари интеграцияси”, “Мамлакатшунослик”, “Хорижий тилни ўқитишда маданиятлараро

мулоқотни шакллантириш”, “Амалий хорижий тилларни ўрганишнинг интенсив усуллари”, чет тиллари методикаси, педагогик технология ва педагогик маҳорат каби ўқув модулларидан дарсликлар, ўқув қўлланмалари яратишда фойдаланилди. ОТМ инглиз тили ўқитувчилари, раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизими учун “Таълим менежерининг компетентлиги ва креативлиги”, “Инновацион таълим технологиялари ва педагогик компетентлик” модуллари яратилди ва амалиётга жорий этилди.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Бўлажак инглиз тили ўқитувчилари социолингвистик компетентлигини шакллантириш тизимига доир тадқиқот натижалари:

Бўлажак инглиз тили ўқитувчиларини тайёрлашда ижтимоий коммуникатив компетенцияни шакллантиришга йўналтирилган инновацион педагогик технологияларга оид таклифларидан Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 11 августдаги “Таълим муассасаларида чет тилларини ўқитишнинг сифатини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 610-сон қарори ҳамда унинг ижросига йўналтирилган Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2017 йил 17 августдаги 584-сонли буйруғини тайёрлашда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2017 йил 20 сентябрдаги 89-03-1957-сон маълумотномаси). Мазкур меъёрий ҳужжатлар бўлажак инглиз тили ўқитувчилари ва тил ўрганиш истагида бўлган талабалар учун интенсив курслар фаолиятини самарали ташкил этиш, чет тилларда турли кўрик-танловлар ўтказиш орқали уларнинг социолингвистикага бўлган қизиқишларини ошириш имкониятини кенгайтирган;

инглиз тили ўқитувчиларининг социолингвистик компетентлик даражасини белгиловчи индикаторлар, бўлажак инглиз тили ўқитувчиси портфолиоси ҳамда профессиограммасига оид таклифлари Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2016 йил 22 январдаги 26-сонли буйруғи билан тасдиқланган “Олий таълим муассасалари бошқарув кадрлари захирасини мақсадли ўқитиш”, 2016 йил 24 августдаги 603-сон буйруғи билан тасдиқланган “Инновацион таълим технологиялари ва педагогик компетентлик” йўналишларида ташкил этилган ўқув курслари мазмунига сингдирилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2017 йил 20 сентябрдаги 89-03-1957-сон маълумотномаси). Мазкур ўқув модуллари асосида ташкил этилган ўқув курслари орқали замонавий таълим менежерлари, шунингдек, олий таълим муассасалари педагог кадрлари касбий компетентлиги ривожлантирилган;

олий таълим муассасалари инглиз тили ўқитувчиларининг касбий фаолият мониторингини олиб бориш ҳамда ўқув курслари самарадорлигини ошириш юзасидан билдирилган таклифлардан Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2013 йил 27 майдаги “Чет тиллари бўйича малака ошириш курслари фаолиятини ўрганиш хусусида”ги 172-сонли буйруғини тайёрлашда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2017 йил 20 сентябрдаги 89-03-1957-сон маълумотномаси). Мазкур ҳужжат асосида

ОТМда ташкил этилган чет тили ўқитувчиларининг малака ошириш курсларидаги фаолиятини ўрганиш, натижаларини таҳлил қилиш ҳамда шу асосида инглиз тили ўқитувчилари, раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш ўқув мазмунини ишлаб чиқиш ва жорий этиш имкони яратилган;

олий таълим муассасалари инглиз тили ўқитувчилари, раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш ўқув мазмуни такомиллаштириш, социолингвистик компетентликни шакллантиришнинг лингводидактик таркибига оид таклифларидан Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2013 йил 1 апрелдаги “Олий таълим муассасаларида инглиз тили ўқитувчиларининг малака ошириш курсларини ташкил этиш тўғрисида”ги 104-сонли буйруғини тайёрлашда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2017 йил 20 сентябрдаги 89-03-1957-сон маълумотномаси). Бу эса инглиз тили ўқитувчиларининг социолингвистик компетентлигини ўсишига хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 5 та халқаро ва 6 та республика анжуманларида муҳокама қилинди ва маъқулланди.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 22 та илмий иш, шу жумладан 1та монография, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 13та мақола 10 таси республика ва 3 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация кириш, тўрт боб, 260 саҳифа матн, хулоса ва тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги асосланган, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объекти ва предмети аниқланган, ишнинг фан ва технологияларни ривожлантиришнинг муҳим йўналишларига мослиги кўрсатилган ҳамда тадқиқотнинг илмий янгилиги, амалий натижалари, натижаларнинг ишончлилиги, назарий ва амалий аҳамияти, натижаларнинг амалиётга жорий этилиши, эълон қилинганлиги, ишнинг тузилиши ҳақидаги маълумотлар киритилган. Шунингдек, диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар баён этилган.

“Бўлажак инглиз тили ўқитувчиларининг социолингвистик компетентлигини такомиллаштиришнинг назарий-методологик асослари” деб номланган биринчи бобда бўлажак инглиз тили ўқитувчилари касбий компетентлигини шакллантиришнинг методологик ва илмий-назарий асослари, замонавий таълим менежири компетенциясини белгиловчи халқаро ҳуқуқий-меъёрий мезонлар ва уларнинг чет тиллари ўқитувчилари компетентлигини шаклланишидаги аҳамияти, социолингвистик

компетенцияни шакллантириш контекстида бўлажак инглиз тили ўқитувчиларини тайёрлашнинг амалиётдаги аҳволи таҳлили баён этилган.

Тадқиқотлар жараёнида мазкур муаммонинг турли жиҳатлари педагог, психолог, методист, лингвист олимларнинг тадқиқот ишларида тадқиқ этилганлиги аниқланди.

Биз ҳам етук мутахассис олимларнинг фикрларига таянган ҳолда ушбу атамани мазмун ва моҳиятини муаллифлик ёндошуви асосида қуйидагича изоҳладик: *“Компетенция” у ёки бу касб эгасига зарур бўлган касбий қонуниятлар, тамойиллар, талаблар, қоидалар, бурч, вазифа ҳамда мажбуриятлар, шунингдек, шахсий деонтологик меъёрлар йиғиндисини англатади. Компетентлик эса-шахс амалий фаолияти билан боғлиқ бўлиб, компетенция меъёрларини жамият талабларидан келиб чиққан ҳолда креативлик асосида иш тажрибасида намоён этиши маҳоратидир. Компетентликнинг асосий мезони самарали фаолият, рақобатбардош кадрлар тайёрлаш билан белгиланади.*


Тадқиқотлар натижасига кўра замонавий инглиз тили ўқитувчиларини тайёрлашда социолингвистик компетентликнинг аҳамияти ниҳоятда каттадир. Тилшунослик атамалари луғатида таъкидланишича: *“Социолингвистика (лот. soci(etas)–жамият+лингвистика) тилшуносликнинг тилни ижтимоий яшаши ва ижтимоий тараққиёт шароитларини ўрганувчи соҳаси. Социология ва лингвистиканинг синтезидан иборат бўлган бу соҳа тил билан ижтимоий ҳаёт фактлари алоқаси; нолисоний омиллар таъсирида тил тараққиётидаги фаол жараёнлар; радио, телевидение, кино кабиларнинг кенг тарқалиши билан тилнинг оғзаки ва ёзма шакли ўртасидаги нисбатнинг ўзгариши, тил сиёсатини юритишнинг вазифа ва шакллари; кенг халқ оммасининг нутқ маданиятини кўтариш каби муаммолар билан шуғулланади.*

Илмий адабиётлар таҳлиliga кўра социолингвистик компетенция, ижтимоий-маданий компетенцияни ўз ичига олиб, аутентик нутқнинг миллий хусусиятларини: ўзи яшаётган мамлакатнинг урф-одатлари, қадриятлари, маросимлари ва бошқа миллий-маданий хусусиятларини билиш ҳамда тили ўрганилаётган мамлакат билан таққослаган ҳолда тақдим эта олиш қобилиятини назарда тутди. Яъни, мос коммуникатив вазиятда дискурс танлай олиш; юзага келган муаммонинг моҳиятини тушунтира олиш ва миждозга зарурият туғилганда розилик борасидаги хизматни тақдим қилувчи шахсга тушунтира билиш; тил шакллари танлай билиш ва уларни нутқий мавзу бўйича коммуникатив вазиятлар доирасида касбий матнга мувофиқ тарзда қўллай ва ўзгартира олиш; тил эгаларида ҳайратланиш ёки аччиқланишни уйғотмайдиган, улар учун табиий, одатий саналган муомалада мулоқот қила олиш кабиларларни ўзида мужассам этади.

Бизнинг назаримизда *социолингвистик компетенция-сўзловчининг коммуникатив жараёнда ижтимоий ҳаёт воқеа-ҳодисалари мазмун ва моҳияти асосида ўз-ўзини ва атрофдагиларни нутқ техникаси талаблари асосида ижтимоийлаштириб бориши демакдир.*

Тадқиқотлар жараёнида мавзуга оид илмий-назарий манбалар, БМТ, ЮНЕСКОнинг ўқитувчи мақоми, илм-фан, таълим, маданият ва спорт

масалаларига оид халқаро конвенциялари, битимлари, протоколлари, тавсияномалари, декларацияларининг мазмун ва моҳияти ўрганилди, таҳлил этилди ва улардаги илғор ғоялар асосида “Бўлажак инглиз тили ўқитувчилари социолингвистик компетенцияси” типологияси аниқланди (1-расм).



1-расм. “Бўлажак инглиз тили ўқитувчилари социолингвистик компетенцияси” типологияси

Тадқиқотлар жараёнида ДТС, таълим йўналиши: 5111400-хорижий тил ва адабиёти (инглиз тили) бўйича бакалаврият таълим босқичида ўқитиладиган “Тил кўникмалари интеграцияси”, “Хорижий тилни ўқитишда маданиятлараро мулоқотни шакллантириш” ҳамда “Мамлакатшунослик” модулларининг фан дастурлари, ишчи ўқув дастурлари ҳамда УМК лар мазмуни таҳлил этилди ва мазмунан такомиллаштирилди. Жумладан, ғоявий-сиёсий, мафкуравий характердаги мавзулар; фуқаролик жамияти институтлари билан таълим муассасаларининг ўзаро ҳамкорлигига оид материаллар; жисмоний тарбия ва спортга оид материаллар; тили

ўрганилаётган мамлакат ижтимоий сиёсати билан Ўзбекистон мустақиллигидан сўнг мамлакатимизда турли тоифа шу жумладан, ёшларнинг ижтимоий ҳимояси борасида амалга оширилаётган чоратadbирлар; коммуникация жараёнида турли халқаро ташкилотларнинг Ўзбекистонда аҳолининг турли йўналишлардаги турмуш даражасини баҳолаш натижалари бўйича материалларни инглиз тилида муҳокама қилиш; Ўзбекистон ва хорижий мамлакатларда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий-меъёрий асослари; давлат рамзларининг мазмун ва моҳияти, мамлакат ривожланишида тутган ўрни; миллий ва умуминсоний қадриятларнинг бир-бирига таъсири ва шахс ижтимоийлашувидаги аҳамияти, диний толерантлик ва уларнинг шахс ижтимоий ривожидида тутган ўрни; дунё миқёсидаги экологик муаммолар ва уларнинг жамият соғлом турмуш тарзи ривожидидаги аҳамияти, оналар ва болалар саломатлиги-жамият соғломлиги асоси; оила шажараси, талаба туғилиб ўсган қишлоқ, унинг тарихи ва унинг ижтимоий ҳаёт ривожидидаги таъсирига оид илмий, ғоявий-сиёсий, оммабоп, бадий материаллар таълим мазмунига сингдирилди.

Шунингдек, дастурларда бўлажак ўқитувчининг бошқа маданиятдаги суҳбатдоши билан мулоқот қилиши учун зарур бўладиган мулоқотга туртки беришга очиқлиги, тайёрлиги, маданиятлараро мулоқотдаги қизиқувчанлик, манфаатдорлик, толерантлик, такт, эмпатия шунингдек бошқа ижтимоий-маданият, унинг бойликларини ва ахлоқ нормаларини шунчаки манба сифатида қабул қилмасдан балки ўзга халқлар маданияти ўз миллий маданиятидан қанчалик фарқ қилмасин, у ўзига хос эканлиги ҳақидаги фактни тушуниш каби индикаторларни эътиборга олиш зарурлиги аниқланди. Ушбу социолингвистик компетенция индикаторлари тажриба-синов ишлари жараёнида илмий-методик асосланди.

Диссертациянинг “Бўлажак инглиз тили ўқитувчилари социолингвистик компетентлигини такомиллаштириш тизимининг дидактик хусусиятлари” деб номланган иккинчи бобда бўлажак инглиз тили ўқитувчилари касбий компетентлигининг ўзига хос лингводидактик хусусиятлари, замонавий таълим технологияларлари ва уларни ташкил этиш методикаси, коммуникатив қобилиятни шакллантиришнинг педагогик шарт-шароитлари илмий талқин этилади.

Илмий-назарий манбалар таҳлили шундан далолат берадики, социолингвистикада тилнинг уч вазифаси мавжуд бўлиб, улар таянч, этноижтимоий ва ижтимоий тарзида тасниф этилади. Бу ўринда унинг таянч функцияси-алоқа қилиш, этноижтимоий-турли этник тиллар воситасида ижтимоий-этник тарихий ва ҳозирги давр воқеа-ходисалар; ижтимоийда эса у ёки бу халқнинг тарихи, урф-одатлари ва уларнинг анъаналари бошқа халқлар урф-одатлари, анъаналари, расм-русумлари, турмуш тарзи билан ўхшашликлари ҳамда фарқи, маданияти, санъати, адабиёти, иқтисодий ҳолати, миллий бойлиги, шевалари ва бошқа жиҳатлари ифода этилади.

Тадқиқотлар жараёнида бўлажак инглиз тили ўқитувчилари социолингвистик компетенциясини шакллантиришнинг дидактик тамойиллари (ўқув материални импровизация қила олишга инновацион

ёндашув; тиллар ва маданиятлар ўртасида ўзаро ҳурмат, ўзаро алоқа ва ўзаро таъсир таъминлаш; толерантлик тафаккурининг устуворлигини таъминлаш таъминлаш; илғор халқаро ғояларнинг имплементация қилиниши таъминлаш; ижтимоий-ғоявий маданиятнинг устуворлиги таъминлаш; лингвомаданий таъминлаш), методик омиллари (истикболни башоратлаш, технологиялаштириш, алгоритмлаштириш, лойиҳалаштириш), социолингвистик коммуникация турлари, типлари, тадқиқот объекти, идентификация иерархияси (биологик, географик, конфессионал, тил нуқтаи назаридан, ижтимоий ва маданий), нутқ маданияти компонентлари, таълим воситалари (матнли воситалар, аудиовизуал воситалар, тасвири воситалар, асосий воситалар, ёрдамчи воситалар), илмий-методик тизими, дарс мазмуни педагогик мотивлар, эҳтиёжлар, манфаатлар яқдиллиги аниқланади, ўзаро самарали алоқа натижасига эришишнинг шакл, метод ва воситалари танланади.

Социолингвистик коммуникация шакллари қўйидагича тасниф этилди: таълим жараёнида, оила муҳитида; ижтимоий гуруҳлар ичида; турар жойларда, вақтинчалик жамоа ичида; таълим муассасалари ичида, ишлаб чиқариш жамоаси ичида; кенг халқ оммаси, жамоатчилик ичида; миллатлараро, этник гуруҳлараро; халқаро яъни умуминсоният ичида; ёш тоифаларига кўра фуқаролараро; шахслараро; кундалик маиший ҳаётда.

Тадқиқотлар жараёнида социолингвистик компетентликни шакллантиришда мақсадни тўғри қўйиш, таълим-тарбия жараёнида самарали ташкил этишни аниқ лойиҳалаштириш, ўзга тилда айтиладиган фикрларни эшитиш ва тушунишга ўрганиш, суҳбатдош тилида тўғри, аниқ ва раво мулоқот олиб бориш; фикрлар алмашинувида мулоқот маданиятига эга бўлиш; натижани доимий мониторинг қилиб бориш, ташхислаш, тил ўрганиш ва ўргатиш техникасини чуқур билиш, педагогик жараённи тўғри ташкил этиш ва бошқариш малакасига эгаллик, лингвистик муҳит яратилиши олиш техникасини билиш каби индикаторлар аниқланди ва улар тажриба-синов ишлари жараёнига татбиқ этилди.

Тажриба-синов ишлари учун таълимнинг инновацион технологиялари тавсифланди, дидактик методлар туркуми аниқланди ҳамда муаллифлик ёндошуви асосида “Танлов” усули ишлаб чиқилди ва тажриба-синовдан ўтказилди. Натижада бўлажак инглиз тили ўқитувчилари, ОТМ инглиз тили ўқитувчилари, раҳбар ва педагог кадрларининг социолингвистик компетентлик даражаси такомиллашиб борди.


Диссертациянинг **“Бўлажак инглиз тили ўқитувчиларининг социолингвистик компетенциясини шакллантириш методикаси”** деб номланган учинчи бобида бўлажак ўқитувчилар, ОТМ инглиз тили ўқитувчилари, раҳбар ва педагог кадрларининг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш мазмуни (социолингвистик компетентлик индикаторлари асосида) такомиллаштирилган, у тажриба-синов асосида апробациядан ўтказилган.

Таълим жараёнига интегратив ёндошув замонавий педагогик технологияларнинг концептуал ғояларидан бири ҳисобланади. Биз тажриба-

синов машғулотида таянилган методика ҳам интегратив ёндашувга асосланган. Асосий эътибор социолингвистик маълумотларнинг мазмунан интеграциясига қаратилган. Таълимдаги интегратив ёндашув мазмуни аутентик материалларни танлашда таълим жараёни яхлитлиги ва унинг тизимлилигида намоён бўлади.

Тадқиқот учун танланган интегратив ёндашув ҳамда мазкур тадқиқот мақсадидан келиб чиққан ҳолда бўлажак инглиз тили ўқитувчиларининг социолингвистик компетенциясини шакллантириш методикаси самарадорлиги таълим жараёнини прогнозлаш, технологик лойиҳалаштириш, ташкиллаштириш, мотивациялаш, назорат қилиш ва натижани баҳолаш, мазмунни ижтимоий-лингвистик шакллантиришга ижодий ёндашув каби масалаларга боғлиқдир. Шу мақсадни амалга ошириш учун бўлажак инглиз тили ўқитувчилари социолингвистик компетентлигини шакллантириш тизимини такомиллаштиришнинг андозасини ишлаб чиқдик (2 расм).

Тажриба-синов учун танланган фанлар орқали бўлажак инглиз тили ўқитувчиси касбий компетентлигини шакллантиришда таълим-тарбиянинг анъанавий ҳамда инновацион шакл, метод ва воситаларидан, ўтиладиган мавзу мазмунидан келиб чиққан ҳолда фойдаланилган. Жумладан, мультимедиа ресурслари, инглиз тилида ўқув ва бадиий адабиётлар, ихтисослашган расмлар билан безатилган газета ва журналлар, ўқув-методик материаллар, электрон ахборот-коммуникация технологиялари, махсус телерадио рукунлари ва репортажлар, илмий-оммабоп хорижий бадиий ва мультипликациявий ва ҳужжатли фильмлар, электрон таълим ресурслари, махсус интерактив веб лойиҳалар, аудиовизуал воситалар, ижтимоий лойиҳалар ва бошқалардан ўтиладиган мавзу мазмунидан келиб чиққан ҳолда фойдаланилган.



Бўлажак инглиз тили ўқитувчилари, шунингдек, ОТМ филология ва тилларни ўқитиш (инглиз тили) йўналиши бўйича чет тиллари ўқитувчилари, педагог ва раҳбар ҳамда заҳира кадрларининг социолингвистик компетентлигини такомиллаштириш самарадорлигини ошириш имкониятлари катта замонавий педагогик технологиялар асосида тажриба-синов ишлари амалга оширилди. Тажриба-синов ишлари жараёнида Веб-квест (WebQuest) технологияси (кириш (Introduction), топшириқнинг ифодаланиши (Task), жараён (Process), ресурслар (Resources), муҳокама, баҳолаш (Reaching consensus/Evaluation) хулоса (Conclusion)), Веб-сайтлар, веб-саҳифалар (матнлар, расмлар, графикалар, видеоклиплар, овозли ёзувлар, талабалар томонидан чоп этилган рисолалар, рефератлар ва б.к.) топшириқлар мультимедияли электрон тақдимот тарзида ҳам амалга оширилди.

Жумладан, дарс ва дарсдан ташқари мустақил таълим жараёнида олиб борилган тажриба-синов ишларида замонавий инновацион педагогик технологияларнинг индивидуал ўқитиш, “Трамп режаси дидактик тамойиллари”, “Ўйин технологияси”, “Интеллект картаси”, “Дастурлаштирилган ўқитиш технологияси”, “Ўқитишни табақалаштириш”, “Ўқитишни жадаллаштириш технологияси”, “Инсон-шахс технологияси”, “Танлов технологияси”, “Пинг-понг” атамашунослиги стратегияси, “Веб-квест” технологияси, “The half class lecture” (yarim guruh leksiyasi) texnikasi, “Cubing” (kyubing) texnikasi, “Drama” texnikasi (og’zaki nutqni rivojlantiruvchi), “Naiku” texnikasi, “Concept Mapping” texnikasi, “Вебинар технологиялари”, “Вебфорум”, “Вебсеминар” ва бошқа илғор педагогик технологиялари, шунингдек, машқ, савол-жавоб, кичик гуруҳларда ишлаш, ҳикоя, давра суҳбати, мунозара, кластер, ақлий ҳужум континуум, ифодали ўқиш, тақдимот, time-management, коллоквиум, қиёсий таҳлил (грамматик, лексик-семантик, тизимли, синхрон), коммуникатив фаоллик, лисоний вазият яратиш, ОКСИ, SWOT, Case-study, синектика, мантиқий таҳлил, инсерт стратегияси, амалий ўйин, корреляция таҳлили, тез айтиш, танқидий фикрлаш, “Контекст таълим”, “Икки қисмли кундалик”, “Корреляцион таҳлил”, “Ассесмент”, “Синквейн”, “Маслаҳат бериш”, “жамиат тили”, “Драмогерменевтика”, “Савол ва топшириқларни лойиҳалаш ғилдирағи”, тақдимот тайёрлаш, баҳс-мунозара, эркин мулоқот, инфографика ва бошқа умумдидактик интерфаол методлари биз кутган самарали натижаларни берди.

Тажриба-синов ишлари жараёнида медиа матнлар (долзарб янгиликлар бўйича матнлар; ахборот таҳлилий матнлар; реклама матнлари; ижтимоий-сиёсий расмий матнлар; интервью матнлари; бадий-оммабоп матнлар)дан фойдаланиш ижобий натижаларга олиб келди. Медиа матнлар “Ўзбекистон” телеканалининг ўзбек ва инглиз тилларидаги “Ахборот”, “Axborot”, “Янгиликлар”, “Давр”, “Ro’ytaht News”, “Маданият ва маърифат янгиликлари”, “Язык, общество и прогресс” теледастурлари медиа матнларидан фойдаланилди.

Тадқиқотлар жараёнида мустақил таълим воситасида бўлажак инглиз тили ўқитувчилари социолингвистик компетентлигини шакллантиришни такомиллаштириш “Қадамба-қадам схемаси” (Мустақил таълимни лойиҳалаштириш, талабани шу жараёнга тайёрлаш, таълим технологиялари танланади, мустақил ишларнинг шаклига мос вариатив топшириқлар ишлаб чиқиш, кутиладиган натижалар мезонларини белгилаш, мустақил таълим жараёнида эгалланган билим, малака ва кўникмаларни бўлажак инглиз тили ўқитувчиси амалий фаолиятига татбиқ этиш жараёнини кузатиш, назорат қилиш, баҳолаш) асосида амалга оширилди. Талабалар ўқув босқичлари давомида мустақил таълим жараёнида дарсликлар, ўқув, методик кўлланмалар, монографиялар, лўғатлар, энциклопедиялар, мақолалар, ёзма манбалар ҳамда ОАВ, ахборот коммуникатив технологиялар билан ишлаш, улардан фойдаланиш тартиб-қоидаларини ўргатиш, конспект, реферат, аннотация, таржима материаллари, оғзаки ҳикоя, эссе, курс иши ва кейинчалик диплом ишларини ёзиш, расмийлаштириш, ўз қарашларини ҳимоя қилиш кўникмалари шакллантирилди.

Бўлажак ўқитувчилар билан “Сиз илмий-методик манбалар билан ишлашда нималарга эътибор беришингиз керак” (What you pay attention to when working with scientific materials), “Мустақил таълимнинг ўзига хос хусусиятлари”, “Компетентли педагог бўлиш учун қандай ўз устингизда ишлашингиз керак”, “Реферат, конспект ёзиш қонун-қоидалари” “The rules of writing conspects and research woks” (First course), “Сиз илмий иш қилмоқчисиз”, “You are starting scientific research work”, “Independent of Uzbekistan”, “My ruple”, “Тошкент кеча ва бугун” (Tashkent’s history and its future), “Инглиз тилининг грамматик қоидалари” (The grammar rules of English), Фонетиканинг тиллар ривожигаги ўрни” (The role of fonetics in language development), “Ўзбекистон меҳмондўст мамлакат” (Uzbekistan is a hospitable country), “Ўзбекистон ва Англия таълим тизими: ўхшашлик ва фарқлар” (The education system in Uzbekistan and Great Britain: similarities and differences), “Илмий-тадқиқот иши қандай амалга оширилади”, “Илмий-тадқиқот иши қандай амалга оширилади”, “How to write a scientific work, “Курс иши, диплом иши нима ва улар қандай тайёрланади” (What is “Self stady”, “Research work” and the way of writing them), “Фан докторилик диссертацияси устида қандай ишланади?” (How to work on a doctoral thesis), “Миллатлар, халқлар, мамлакатлар ва анъаналар” (Nations, countries and traditions), “Ўзбекистон ва дунё ёшлари” Uzbekistan and the youth of the world, “Инглиз тилида синонимлар” (Synonyms in English), “Инглиз тили ўқитувчиси компетенцияси ва унинг ўзига хос хусусиятлари” (The competence of English language teacher and its specifics), “Социолингвистик компетенция ва унинг дидактик талаблари” (Sociolinguistic competence and its didactic requirments), “Тил билиш-эл билиш” ва бошқа мавзулардаги суҳбат, мастер-класс, баҳс-мунозара, маслаҳат, ёзма ишлар, тақдимот ва бошқалар талабалар мустақил таълими бўйича олға сурилган назарий ғояларнинг ҳаққонийлигини исботлади.

